



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 17 сентябрь, № 181 (5348)

Шанба

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



СУРХОНДАРЁ. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами кунларида Термиз шаҳрида "Новофарм" Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга тушди.

Ҳам ички бозорга, ҳам экспортга

Икки миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган корхонада йилига 220 миллион донга 60 турдаги таблетка ҳамда капсула тайёрлаш имконияти юзага келди. Эйтиборлиси, 25 нафар кишининг бандлиги таъминланган "Новофарм"да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилди.

Корхона тўла қувват билан ишлаш бошлади, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 125 нафарга етди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан НАМАНГАН вилоятидаги иккита касб-хунар коллежига компьютер жамланмалари топширилди.

Коллежларга компьютер жамланмалари

Хусусан, Поп транспорт ва алоқа касб-хунар коллежига тўхфа этилган 15 та компьютер жамланмаси ёрдамида бу ерда амалий машғулотларни замонавий электрон техника воситалари ёрдамида ўтказиш имконияти янада кенгайди. Шундай хайрли иш Чортоқ транспорт ва алоқа касб-хунар коллежиди ҳам амалга оширилди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятдаги касб-хунар коллежларининг 11 тасида йигит-қизлар ахборот технологиялари мутахассислигини эгалламоқда.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Пскент туманидаги "Меҳнат" масъулияти чекланган жамиятида қурилишбўв бўёқ маҳсулотларини қадоқлашга ихтисослаштирилган янги технология линия фаолияти йўлга қўйилди.

Сифатли ва бежирим

Қиймати 175 миллион сўмлик маъмур лойиҳани амалга оширишда жамиятнинг ўз маблағидан ташқари, банк кредитидан ҳам самарали фойдаланилди. Айни пайтда 10 кишини иш билан таъминлаган корхона дастлабки 30 тонна қадоқланган пардозлаш ашёларини сотувга чиқарди.

Туманда жорий йилнинг саккиз ойида янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш ва мавжудларини молиявий соғломлаштириш бўйича 26 та лойиҳа ҳаёtgа татбиқ этилиши ҳисобига 162 та иш ўрни вужудга келди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Боғот туманининг Янгиқадам ва Урганч туманининг Қорамон қишлоқларида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Эл саломатлиги йўлида

Бу мақсадлар учун 473 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 22 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатаётган ушбу ҚВПлар энг илғор тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

Таъкидлаш керакки, ҳозир вилоятда 170 та ҚВП фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари асосида тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОҚИЙ БУХОРОНИНГ ЯШАРИШ ФАСЛИ



Азим Бухоро истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ҳар жиҳатдан юксалишга юз тутди, яшариб, янгилиниб, ўзгача қиёфа касб этди. Хусусан, воҳода амалга оширилган кенг қуламли бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги изчил ислохотлар самараси, одамларнинг фаровон ҳаёти, навқирон ёшлар эришаётган ютуқлар залвори ниҳоятда улкан ва бекиёсдир.



Саноатимиз мўъжизаси

— Мустақилликнинг тарихга муҳрланган қутлуг йигирма йиллиги бухороликлар учун улғувор марраларни, эзгу орузларни забт этиш, рўёбга чиқариш даври бўлди. Хусусан, саҳронинг қоқ ўртасида барпо этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини чи-

етказиб берган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати янада ошиб, 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 110,3 фоизни ташкил қилди.

Завод фаолияти, айниқса, юзлаб юртдошларимиз тақдирини туб буришти ясади. Ҳозир корхонанинг биргина касаначилик марказида 600 нафардан зиёд киши меҳнат қилаёпти. Ишчилар учун эса кўркам ва за-

монавий нефтчилар шаҳарчаси қурилган. Маданият, спорт иншоотлари, поликлина, академик лицей, ётоқхона, сунъий қўл, боғ-роғлар барпо этилганини инобатга олсак, бугун Қоровулбозорда яшаётганларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Ваҳолонки, бундан атиги йигирма йил муқаддам бу ер пасқам, кўрimsиз уй-жойлардан иборат худуд эди. Истиқлол шарофати туфайли шундай чекка бир гўшага файз инди, қут-баракат кирди.

Утган йиллар мобайнида вилоятда, шунингдек, яна кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлади. Натижада саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши бундан ўн бир йил аввал 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 18 фоизга етди.

Фаровонлик кафолати

— Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилиб, кичик бизнес вакиллари учун катта



имкониятлар яратиб берилаётганлиги бизга ғайрату шижоат бахш этмоқда, — дейди "Ташаббус — 2006" республика кўрик-танловининг "Энг яхши тадбиркор" номинатсияси бўйича голиби Мухаббат Тешаева. — Айниқса, хотин-қизлар ҳам ишбилармонлик борасидаги иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариб, юрт равнақига ҳисса қўшаётганликлари кимни қувонтирмайди, дейсиз? Ҳаммасидан ҳам, касаначиликни ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган гамхўрликлар янгидан-янги режаю ташаббусларга йўл очаётганидан беҳад мамнунмиз.

(Давоми 2-бетда).

БЕЛЬГИЯДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонасида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Бельгия Қироллигининг федерал, минтақавий вазирилик ва идоралари раҳбарлари, Европарламент аъзолари, Европа Комиссияси ҳамда Европа Иттифоқи расмий вакиллари, ишбилармон, жамоатчилик, экспертлар ва маданий доираларнинг, ЕИ ҳамда НАТО хузуридаги дипломатия миссиялари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўдилар.

Биз ва жаҳон

Қабул маросимининг тантанали очилиши чоғида мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган зафарлари, иқтисодий ва сармовий салоҳияти ҳақида атрафлича сўз борди. Бунда асосий эътибор Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзига қаратилди. Суверен ривожланиш

ймакларни ривожлантириш, турли соҳаларни либераллаштириш, шунингдек, ёшларни, таълим тараққиётини қўллаб-қувватлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва ўзбек халқининг кўҳна маданиятини асраб-авайлаш юзасидан кўраётган чора-тадбирларни юқори баҳоладилар.

Жумладан, Евродепутат **Б. Ковач (Венгрия)** Ўзбе-

кистон мустақил ривожланишнинг атиги 20 йили мобайнида ҳаётнинг барча жабҳаларида сезиларли натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлганини таъкидлади.

Б. Ковачнинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон минтақадagi муҳим давлат ҳисоблангани ҳолда, унинг аҳамияти доимий равишда юксалиб бораётган. "Шу боис Европарламент Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга алоҳида қизиқиш кўрсатмоқдаки, минтақавий хавфсизликнинг таъминланишида бу мамлакат муҳим роль ўйнайди. Республика раҳбариятининг халқро терро-

(Давоми 2-бетда).

Дзюдо

Бугун пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Жаҳон кубоги мусобақалари бошланади.

ЖАҲОН КУБОГИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Унда дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан 200 нафардан ортиқ спортчи голиблик учун курашга киришади. Иштирокчилар орасида жаҳон ва китъа чемпионолари, кўплаб халқаро турнирлар совриндорлари борлиги беллашуларнинг қизиқарли ва мурасасиз кечишидан дарак бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай йирик мусобақаларга мезбонлик қилишни ҳар бир давлат вакиллари орзу қилади. Аммо Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) "У ташкил этиладиган жойда мазкур спорт тури қандай ривожланаёпти, мавжуд моддий-техник база белгиланган меъёрларга жавоб бера оладими ёки йўқми?" каби саволлар нуктаи назардан келиб чиқиб, бу борада тегишли ҳулосасини ясайди. Ўзбекистондаги мавжуд шарт-шароитлар, спорт инфратузилмаси ана шу талабларга тўлалигича мос келгани учун ҳам бугун халқаро мусобақа Тошкентда старт олаяпти. Бу, албатта, ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 4-бетда).

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШ

амалиётини такомиллаштириш бу субъектларнинг янада ривожланишига хизмат қилади

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини барқарор суръатларда ривожлантириш, уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Маълумки, тижорат банклари ва нобанк кредит муассасалари томонидан бериладиган кредитлар, уларнинг жорий ва инвестициявий харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаидир.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосларида алоҳида таъкидлаганидек, "Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиши, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ мuddатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бош-

лангич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш қўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим".

Гап шундаки, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, аввало, уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, бундай субъектлар фаолиятини молиялаштириш ҳажмининг оширилиши, уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятининг юксалиши, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг янада ортишига олиб келади.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони-нинг қабул қилиниши, айтиш мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Чунки "Микрокредитбанк"нинг юридик шахс сифатида солиқ тўловларидан озод этилиши, ресурс базасини мустаҳкамлаш жараёнининг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши ана шу субъектларга бериладиган имти-

Жараён

ёзли кредитлар ҳажмини юқори суръатларда ошириш имконини яратди. Натижада биргина 2010 йилда "Микрокредитбанк" томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 214,0 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлса, шундан 121,4 млрд. сўми имтиёзли микрокредитлар ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилди. 2011 йилда эса ушбу банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори 274 млрд. сўмга етказилди. Унинг 156,0 млрд. сўми имтиёзли микромолиявий хизматлар эканлиги эътиборга лойиқдир.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик

тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, бу субъектларга бериладиган имтиёзли кредитлар фоиз ставкаларининг пасайтирилиши уларнинг бундай имтиёзлардан фойдаланиш даражасини сезиларли ошириши таъминлади. Ушбу Фармонга қўра, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ой мuddатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 (икки юз) баробари миқдоридagi имтиёзли микрокредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 5 фоиздан 3 фоизга, кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 24 ойгача мuddатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 (беш юз) баробари миқдоридagi

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Бошланishi 1-бетда)

Айни чоғда кредитнинг қайтарилиши таъминлаш маънасида ноънанивий таъминот турларининг қўлланилиши, жумладан, қимматли буюмларнинг олиниши, кичик кредитларнинг жисмоний шахс ёки гуруҳ қабилиги асосида ажратилаётгани ҳам қўллаб-қувватловчи субъектларига микросармоялардан фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда. Бошқача айтганда, ажратилаётган микросармоялар туфайли кичик корхоналарнинг бошланғич сармоялари шакллантирилмоқда. Кичик суммаларда берилётган микрокредитлар, айниқса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда муҳим ўрин тутаётди. Ишлаб турган корхоналар айланма маблағларнинг тўлдирилиши эса уларнинг тўлиқ қувват билан ишлаши учун шароит яратмоқда. Шу билан бирга, корхона фаолияти учун зарур жиҳозлар ва техникалар харид қилишга микролизинг хизматлари кўрсатилаётгани ҳам ўз самарасини бераётди.

Тамсиллаш керакли, юртимизда тижорат банклари ва нобанк кредит муассасалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига бераётган кредитлар ҳажмининг ўсиш тенденцияси юзага келганлиги ижобий ҳолатдир. Мисол учун, 2000 йилда улар томонидан бундай субъектларга ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 102,9 млрд. сўмини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 419,9 млрд. сўмга, 2009 йилда 1851,7 млрд. сўмга, 2010 йилда эса 2690,2 млрд. сўмга етди. Айни пайтда шу давр ичида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-

ларига берилган микрокредитларнинг ҳажми ҳам юқори суръатларда ўсиши кузатилади. 2010 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, республика-миз тижорат банклари томони-дан кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг ҳажми миқдори 485,2 млрд. сўмини ташкил қилгани, мазкур кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 39,1 ба-

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШ

амалиётини такомиллаштириш бу субъектларнинг янада ривожланишига хизмат қилади

робар кўпчилиги бунинг тасдиғидир. Шу ўринда кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнига хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари тобора кенг жалб қилинаётганини ҳам таъкидлаб ўтишга тўри келади. Биргина 2010 йилда, масалан, мазкур кредит линиялари орқали кичик бизнес субъектларини кредитлаш мақсадида йўналтирилган халқаро кредитлар миқдори 146 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари Дастурига асосан эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳужуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларидан 2011 йилда 75 млн. доллар, 2012

йилда — 90, 2013 йилда — 110, 2014 йилда — 130, 2015 йилга келиб, 155 млн. доллар жалб этиш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, “Микрокредитбанк” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлашни кенгайтириш бўйича ҳар бир йил учун махсус дастур ишлаб чиқиш, уни изчил амалга ошириб боради.

бўйича минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун лизинг хизматлари кўрсатиш муддати 7 йил этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қўллайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

фойдасидан тўланадиган солиқ-дан озод этилган.

Яна бир тарихий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш учун қўллаб-қувватловчи муҳим вазифаси эканлиги қайд этилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва унга асосан, ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган махсус Давлат дастурининг қабул этилиши эса, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақининг таянчи бўлган кичик бизнеснинг барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Негаки, Давлат дастурига мувофиқ, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар жорий йилнинг охирига бориб, 3,8 трлн. сўмдан ошиши кутилмоқда. Бу — 2010 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўп, демакдир. Ўз навбатида, “Микрокредитбанк” томонидан уларга кўрсатиладиган микрокредитлаш ва микролизинг хизмати ўтган йилдагига таққослаганда 1,3 мартага ортади, тадбиркорлик субъектларига, фермер хўжаликларига минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун бериладиган лизинг кредитлари ҳажми эса 2010 йилдагига нисбатан 1,5 бараварга кўпаяди.

Қисқа сатрларда

- “Фазогир Зарафшон” масъулият чекланган жамиятида мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унга яқин киши иш билан таъминланган ушбу корхонада дастлабки 30 та мебель жиҳозлари тўплами тайёрланиб, Зарафшон шаҳрида савдога чиқарилади.
- “Оқ Амур-Олтин ҳавза” фермер хўжалиги Узун туманида баллиқ еттиштирмоқда. Қиймати 42 миллион сўмлик ушбу лойиҳа туфайли жорий даврда аҳоли дастурига 4 тонна “луқмаи ҳалол” етказиб берилди.

● Иштихонлик Гулнора Қурбанова ўзи раҳбарлик қилаётган “Паҳлавон Фирдавсбек” хусусий корхонасида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияни ишга туширди. 7 кишининг бандлиги таъминланган корхонада кунга бир тоннага яқин 8 турдаги махсулот тайёрланмоқда.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда)

Европа Халқаро муносабатлар институти президенти И. Семинаторнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам бутун ўзбек халқининг дўстлик, ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва ўзаро

берар экан, **Энергетика Хартяси Котибиятининг савдо ва транзит бўйича директори С. Дефилла** тараққиёт йўллари борасида мустақил қарарларга эга бўлган республикаимиз тенг ҳуқуқли халқаро субъект сифатида ўзини намоён эта олганини таъкидлади.

“Мамлакат муҳим табиий

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

Урганч шаҳрида “Хотин-қизлар учун яратилаётган меҳнат шароитлари” мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган анжуманда мазкур жамоат ташкилотини ҳамда ИСЕМ Халқаро қасаба уюшмалари федерациясига аъзо ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маълумки, ИСЕМ — қатор тarmoқ қасаба уюшмаларини, дунёнинг 132 мамлакатидан 20 миллиондан зиёд аъзони бўлаётган қасаба уюшма федерацияси ҳисобланади. Мазкур халқаро ташкилот, асосан, кимё, тоғ-кон, энергетика ва фармацевтика саноати сингари тarmoқ ходимлари манфаатини ифода қилади.

Конференцияда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси

Т. Норбоева, ИСЕМ Бош котиби М. Барда ва бошқалар Президент Исом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда хотин-қизлар учун меҳнат шароитларини янада яхшилаш, уларнинг саломатлигини мустақамлаш, жамият ва оиладаги маъқени ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фарзанд тарбияси билан бирга меҳнат фаолиятини уйғунликда олиб боришлари учун шароит ва имкони-

ятлар яратиш, оналик ва болаларини муҳофаз қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қуламли ишлар юқас сармалар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз корхона ва ташкилотларида меҳнат қилётган ишчи-хизматчилар, жумладан, хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш, манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

14 ҳудудий, 11 тarmoқ қасаба уюшма ташкилотларини, 7 миллионга яқин аъзони бўлаётган Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам бунга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур ташкилот маълумотларига кўра, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланадиган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ҳар йили мамлакатимиз бўйича ўртача 750 минг нафардан зиёд хотин-қиз қўшимча таътидан фойдаланмоқда. Мақтабга тарбия ёшдаги фарзандлари бўлган минглаб

аёлларга қисқартирилган иш куни жорий этилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бола парвариши таъти-лида бўлган аёллар ҳам бу имкониятдан баҳраманд бўлмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

Икки кун давом этган конференцияда хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилашга қаратилган маърузалар тингланди. Бу борада қасаба уюшмалари томонидан келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

БЕЛЬГИЯДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ҳурмат тамойилларига асосланган хоҳиш-иродасини ўзида яққол мужассам этган.

Эксперт Ўзбекистон келгусида ҳам муваффақиятлар соҳиби бўлажагига, ўзбек халқи бундан кейин ҳам тинчлик, хотиржамлик ва гуллаб-яшнаш шароитида турмуш кечиришига қомил ишонч билдирди.

“Ақсарият саноати тараққиёт топан мамлакатларда регресс ҳолати кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда янги замонавий саноат объекти, индустриал тармоқлар барпо этилаётгани мамлакат иқтисодий тараққиётининг самарадорлигини тасдиқлайдиган далилдир. Бундан ташқари, ҳаёт даражасини шаҳар меъёрларига максимал яқинлаштириш учун қишлоқ жойларда ҳам кенг қуламли ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳадаги янгилашлар стратегияси оқилона ва пухта ўлгананиннинг далолатидир”, деди И. Семинатор.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш жараёнларига ўзининг ижобий баҳоларини

ва энергетика салоҳиятига, шунингдек, малакали меҳнат ресурсларига эгадир. Сўнги бир неча йил ичида Ўзбекистон индустриаллаштириш йўлида изчил қадамлар ташламоқда, иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий сармояларнинг ҳажми ҳам тобора ошиб бораётди. Уйлайманки, бундай сийосат иқтисодий барқарорлиқни аллақачон олиб келди ва у келажакда ҳам ўзининг меваларини беражақ”, дея фикрини айтди С. Дефилла.

Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини истиқлолнинг 20 йиллик байрами билан қутлар экан, **Бельгия Молия вазирлиги вакили Р. Рокс** мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида ҳаётнинг барча соҳаларида улкан муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон тўғри йўлни танлаб олган ва бу йўл иқтисодиётда ҳам, демократик тараққиёт борасида ҳам изчил юксалишни таъминламоқда.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

(Давоми. Бошланishi 1-бетда)

Муҳаббат опанинг қувончи беҳиж эмас. Негаки, у раҳбарлик қилаётган “Шаҳбоз-Шаҳром” хусусий фирмаси йил сайин ривожланиб бораётган кичик бизнес субъектларидан биридир. Бундан етти йил муқаддам хориж технологияси билан жиҳозланган ушбу корхонада гилам тўқиш йўлга қўйилган эди. Бугун эса унинг маҳсулотлари истеъмол бозорига ўзининг мустаҳкам ўрнига эга.

Йилга 700 минг квадрат метр гилам тайёрланадиган бу фирмага яқин-яқингача ҳам ашё ҳоридан олиб келинарди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг 1 миллион АҚШ долларлик кредити эвазига цех барпо этилган, синтетик калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда калава ип, ҳатто республикаимиздаги бошқа турдош корхоналарга ҳам етказиб берилмоқда.

Кишлоққа саноатнинг дадил кириб бориши қанчалик мўъжиза эканлигига Жондор туманидаги “Шижоаттекстильмаш” хусусий корхонаси фаолияти ҳам мисол бўла олади. Бундан тўққиз йил муқаддам атиги икки киши билан иш бошлаган ана шу корхонада ҳозирги кунда элик нафардан зиёд қишлоқ ёшлари ишламоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми экспорт қилинаёпти. Яқинда 130 минг АҚШ долларлик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилган, “Шижоаттекстильмаш”нинг экспорт салоҳияти янада ортди. Жорий йилнинг ўтган даврида 200 минг АҚШ долларидан зиёд махсулот чет элик буюртмачиларга етказиб берилгани шундан далолатдир.

Дарҳақиқат, вилоят экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, “Имиджтекстиль”, “Текстиль-Спектрум Колорс”, “Жондормега-текстильсервис”, “Шофиронкэватор-риалтекстильсервис” каби қатор корхоналарнинг бу борадаги улуши йил сайин салмоқли бўлаётди.

Қадриятлар қадр топган юрт

Моҳир зардўз, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова кўп йиллик фаолияти мобайнида 600 нафардан зиёд хотин-қизларга миллий хунарманчилик сир-асрорларини ўргатди. Айни пайтда нафақадан бўлишига қарамай, Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Бохорий маҳалласида тўғарақ ташкил этиб, ёшларга мураббийлик қилмоқда.

— Истиқлол туфайли хунар аҳлининг елкасига офтоб теғди, — дейди она. — Миллий қадриятларимиз давлат томонидан муҳофаз қилиниб, қўллаб-қувватланаётгани боис хунарманчлар бўлиб ижод қилишмоқда. Уларнинг даромад солиғи ва божона тўловлари борасида алоҳида имтиёзга эга эканлигини ана шу эътибор самарасидир. Қувончилиси, бугун қай бир маҳаллада бўлманг, устаконалар эшиги очик,



Шомурот ШАРАПОВ, Ҳасан ПАЙДОВ ва Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

санъати ва ижодидан илҳомланиб, бир неча янги асарлар яратди. Ўзбекистонга, Бухородек афсонавий шаҳарга келганимдан, унинг очик чечрали, мумондуст инсонлари билан яқиндан танишганимдан жуда бахтиёрман.

Эзгулик обидаси

Хабарингиз бор, Юртбошимиз ташаббуси ва гоёси асосида барпо этилган “Кўхна ва боқий Бухоро” монументи бетакрор бунёдкорлик намунаси сифатида аллақачон кўпчилигининг тилига тушиб улгурди. Юз гектардан зиёд майдондаги

ўрни бор, деган маънони билдиради. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишман, деган одам ушбу мейворий ансамблга боққанининг ўзидаёқ хулоса чиқаради. Бу гоёларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунирилиши керак. Негаки, барқарол авлод тарбиясида бунинг аҳамияти катта.

Билимли мингги йиқар

Интилувчан ва салоҳиятли ёшлардан бири — Жавлон Исомуродов Бухоро давлат универ-



БОҚИЙ БУХОРОНИНГ ЯШАРИ ФАСЛИ

мана бу сўзлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди:

— Бухоронинг гўзал манзараси бир умр ёдимда қолиши анж, Шаҳарда бўлиб ўтган “Асрлар садоси” фестивалида Ўзбекистондаги биринчи шахсий кўргазмани ташкил этганим мен учун унутилмас воқеа бўлди. Сабаби, юртингиздаги халқотлар билан танишдим, уларнинг

рида ёзиб қўйилган бўлиб, монумент марказидаги уч авлод тасвири “Ҳаёт — абадий, умр — ўткинчи, бу дунёда фақат эзгу амаллар қолади” деган фалсафий маънони англатади. Вазни 32 тонналик Ер шарни шақлидаги монументдаги ҳур Ўзбекистон харитаси ҳам чуқур мазмунга эга. Яъни, у жаҳон ҳамжамиятида она-Ватанимизнинг муносиб

ситети қошидаги 3-Қорақўл лицейида таълим олади. У математика фани бўйича Нидерландияда бўлиб ўтган 52-жаҳон олимпиадасининг бронза медали соҳибидир.

— Биз ўғил-қизларимизга куруқ ўқиш ёдлашни эмас, балки чуқур билим олиш маҳоратини ўргатами, — дейди унинг устози, академик лицей директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев. — Бу ердаги шарт-шароитлар хавас қилса арзиғулик. Замонавий лаборатория жиҳозларидан тортиб энг сўнги русумдаги компьютерлардан баҳраманд ўқувчиларимиз хозиргача жаҳон ва халқаро фан олимпиадаларида 25 та медални қўлга киритишди. Эсингиздами, илгари олис бир қишлоқда яшовчи Ўзбек боласининг жаҳон олимпиадасига боришини, унлаб мамлакатлардан келган юзлаб тенгқурлари билан билим, ақл-заковат борасида баҳслашиб, совриндор бўлишини тасаввур ҳам этолмасдик.

Буларнинг бари, аслида, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатимиз раҳбарининг ёш авлод қамолати йўлида кўрсатилган гамхўрлиги мевасидир. Ахир кейинги йилларда вилоятда 7 та янги мактаб қурилгани, 81 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 139 та билим даргоҳи мукамал таъмирдан чиқарилгани ҳазил гап эмас-да! Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида вилоятда 66 та янги академик лицей ва касб-хунар коллежини бунёд этиш мақсадида миллирларлаб сўмлик маблағ ажратилиб, ёш авлоднинг пухта билим

Бир мактабда — юз чемпион

— Мустабид тузум даврида Бухородан битта битта жаҳон чемпиони чиққан эди, — дейди Олот туманидаги 7-иқтисослаштирилган олимпиа спорт мактаб-интернати директори Рустам Тураев. — Истиқлолга эришганимиздан сўнг эса спортнинг у ёки бу тури бўйича юзлаб жаҳон, Осиё чемпионлари камол топди. Хусусан, бизнинг билим масканимиз ўқувчилари сўнги ўн йил ичида жаҳон чемпионатларида ўн та, Осиё чемпионларида эса саккиз та олтин медални қўлга киритишди! Қумуш ва бронза медалларини-ку қўверинг.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, дзюдо бўйича кўп қарра жаҳон чемпиони, бир қатор халқаро мусобақалар голиби, дунё рейтингинда биринчи погонани қўлдан бермай келатган Ришод Собиров — айнан шу ерда сабоқ олган, кураш сирларини ўрганган. Илк бор 2006 йили ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида ҳамюртимиз шохсупнинг юқори погонасига қўтарилган эди. Шундан сўнг Тошкент ва Андижон шаҳарларида ташкил этилган Универсиада мусобақаларида зафар кўчди.

Гапнинг лўндаси шуки, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқинчи спорт мусобақалари Ришод сингари ёш истеъдодли спортчиларни кашф этиш ва маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ютуқлари эса халқимиз азалий орзулари ушалаётгани, одамлар ҳар бир тонгни ёруғ умидлар билан қарши олаётгани, она-юртимиз дунёга юз тутаётгани, озода ва обод заманимизнинг ҳар бир куни тинч-осойишта ва фаровон келаяётганини ёрқин ифодасидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
Юнус БҮРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

